



ТОШКЕНТ О'QSHOMI



XXI аср сароси
Барча манбалардан
олинган сўнги хабарлар

ШАХАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 3 (9.653) 2002 йил 7 январь, душанба Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

- **РЕСПУБЛИКА** Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси ихтиёрига АҚШдан ёрдам сифатида техник машиналар келтирилди.
- **МУДОФАА** кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Чилонзор туман кенгашига қарашли спорт-техника клубида оммавий ватанпарварлик ойлиги муносабати билан ҳамда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган «Ватани кўриклаш бизнинг бурчимиз» мавзусида тадбир бўлди.
- **ПОЙТАХТИМИЗДАН** Қорақалпоғистон Республикасининг Кўнғирот туманига «Фигас-ал-фалак» ташкилоти ташаббускорлигида болажонлар учун қиймати 2 миллион сўмлик Янги йил совғалари билан бирга зарур тиббий дорилар билан ҳамда қийим-кечаклар хайрия сифатида юборилди.
- **МИРЗО** Улугбек туманидаги «Оққўрғон» маҳалласида маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати «Ватани ҳимоя қилиш муқаддас бурч» деб номланди.
- **БЕКТЕМИР** туманидаги «Сувмаш» корхонасида туман Маънавият ва маърифат маркази ташаббускорлигида «Терроризм, террорчилар ва террористик ҳаракатлар» мавзусида тадбир ўтказилди.
- **СЕРГЕЛИ** туманидаги 6-кўтувхонада китобхонлар иштирокида бўлиб ўтган тадбир фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласига бағишланди.
- **ШУНИНГДЕК**, Чилонзор туманидаги «Чарх Камолот» маҳалласида ўтказилган фуқаролар

иштирокидаги давра суҳбати ҳам юқоридаги мавзуга бағишланди.

□ **ТОШКЕНТ** бизнес-клубида тадбиркорлар учун уюштирилган семинарда замонавий ахборот жараёнида компьютердан фойдаланиш масалалари муҳокама этилди.

□ **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодий университетиде Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамда олий ва ўрта махсус таълими вазирликлари ҳамкорликларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари учун махсус курслар ташкил этилди.

□ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университетиде талабалар учун испан тили ва маданиятидан сабоқ берувчи курс ташкил этилди.

□ **АҲОЛИГА** такси хизмати кўрсатишга ихтисослашган шахримиздаги «Чуқурсий автокорхонаси» акционерлик жамияти хизматчилари Янги йилга уч миллион уч юз минг сўм соф фойда билан қадам қўйишга эди. Жорий йилда автокорхона иш сифатини янада яхшилаш мақсадида 18 та автобус сотиб олишни режалаштирмоқда.

□ **МИРОБОД** туманида ўз фаолиятини бошлаган 48 нафар кичикойини тарбиялашга мўлжалланган «Олтин қанот» болалар боғчасида кичикойинларнинг спорт билан шугулланишлари учун махсус спорт майдончаси ташкил этилди.

□ **АЙНИ** кўнларда шахримизнинг Мустақиллик майдонида пойтахтлик болажонлар иштирокида арча байрами тантаналари бўлиб ўтмоқда. Ушбу тадбирлар 12 декабрдан давом этади. Шунингдек, 26-Мехрибонлик уйида, Собир Раҳимов туманидаги «Абдужалил ота» масъулияти чекланган жамиятида, 249-мактабда ҳам арча байрами тантаналари ўтказилди.

Чорраҳадаги кўприк

Бунёдкорлик

Пойтахтимизда Кичик ҳалқа йўлини бунёд этишда кўприксоzлар гайрат кўрсатишмоқда. Айни шу кезларда улар пойтахтимизнинг Усмон Носир ҳамда Фарҳод кўчаси чорраҳасида узунлиги 200 метр, кенлиги 30 метрлик кўприк қурилиши қизгин давом эттиришмоқда.

— Умуман Кичик ҳалқа йўли қурилишида 400 нафардан зиёд ишчи-хизматчиларимиз меҳнат қилишмоқда, — дейди 13-кўприк қурилиш отряди раҳбари Дониёр Болусов. — Албатта ҳар бир иншоотнинг пойдевори унинг мустаҳкамлиги учун асосий замин бўлади. Шу боис ҳам кўприксоzларимиз, аввало пойдевор бунёд этиш сифатида алоҳида аҳамият қаратишади. Усмон Носир кўчасида бунёд этилаётган кўприк пойдеворини қуришда ҳам энг тажрибали қурувчиларимиз иштирок этишмоқда. Шунингдек Эргашев кўчасидаги темир йўл кўприги қурилиши ҳамда Салор каналдан ўтувчи кўприкни қайта қуриш ишларини ҳам режа асо-



рибали бунёдкорлар ҳамкасбларига ўрнатқ бўлиб, иш сифати ва самардорлигига эришишмоқда. Уларнинг эзгу ниятлари эса қурилиши пухта амалга ошириб, ўз вақтида фойдаланишга топширишдир.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: бунёдкор Баҳром Хоназаров ҳамма илгорлар сафиди; техника қурувчиларининг энг яқин мададкорига айланган.

Эркин Ботиров олган суратлар.



ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Шоликорларга мўлжалланган

трактор лойиҳаси тайёрланди

«Тошкент трактор заводи» давлат хиссадорлик жамияти қошидаги «Трактор» махсус конструкторлик шўъбаси муҳандис-техник ходимлари жаҳон андозаларига жавоб берадиган замонавий техникалар яратиш борасида доимо изланмоқдалар. Яқинда жамоа яна бир хайрли ишга қўл урди.

Маълумки, шолчиликни ривожлантиришда ҳозирги пайтгача механизациялаштириш даражаси бирмунча паст. Ушбу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган вақтда бу муаммони бартараф этиш кулай имкониятлар яратяди, бу нарса завод учун махсуслот ҳажмининг ошишига сабаб бўлади ва ўз навбатида бундай техникани четдан импорт қилиш учун валюта сарфлашдан озод этади.

Шоли ва бошқа сўсвевар дон ўсимликларини етиштиришда ишлов берувчи техника ўта намланган юмшоқ tuppoқда ҳаракатланиши зарур бўлади. Бугунги кундаги бизнинг аънавий гилдиракли тракторлар бу вазифага унча ярамайди. Чунки уларнинг олд кўприги юритмага эга эмаслигидан юмшоқ tuppoқда ботиб қолиши мумкин. Бундан ташқари гилдиракларнинг ўзи унча кен бўлмаганлигидан tuppoқда чуқур из қолдириб, уни ўта зичлаштириб юбора-

ди. Бу муаммоларни ҳал этиш учун завод мутахассислари «ТТ-100 К» трактори асосида шолчилик трактори лойиҳасини яратдилар.

Трактор олд тортувчи кўприкка эга бўлиб, оғир tuppoқ шароитларида бемалол ишлай олади. Бу олд кўприкда махсус эни кенгайтирилган етакчи гилдираклар ўрнатилган. Олд юритмали кўприк ҳаракатини трансмиссиядаги махсус қўшимча редуктордан қарданли вал орқали олади. Бу редуктор трактор илашмас мўдбтаси ва трансмиссияси орасига ўрна-тилади. Бу конструктив қўшимча ўз навбатида «ТТ-100 К» тракторига қисман ўзгартишлар киритишни талаб этади.

Айни дамларда шолчилик тракторининг тажриба нусхасини яратиш борасидаги ишлар охирига қолди. Яратилаётган янги техника кулай ва арзонлиги билан шолкорларнинг яқин кўмақдоши бўлади.

Хусан БАРОТОВ

ТОШКЕНТ ШАХАР ҲОКИМЛИГИДА Наврўз байрами тараддуди

Маълумки, пойтахтимизда Наврўз байрамига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Бу ҳақда умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича шаҳар ишчи гуруҳининг кўни кеча бўлиб ўтган биринчи йиғилишида сўз борди. Уни шаҳар ҳокими ўринбосари Р. Қурбонов бошқарди.

Аънавий тарзда ўтказиладиган Наврўз байрамининг бу йилги ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат? Байрам тараддуллари жараёнига янги лойиҳалар киритиш кўзда тутиладими? Бу каби саволлар Тошкент шаҳар Мадааният ишлари бош бошқармаси бошлиғи Рустам Хамидов билан бўлган суҳбатимизда ўз ифодасини топди.

— Авваламбор, катта байрам дастурларини тайёрлаш ва ўтказишда бизларда тажриба етарли дейишга кўп асосларимиз бор. Маълумки, бундан бир неча ой аввал Мустақиллигимизнинг ўн йиллик тантаналарини юқори савияда ўтказдик. Наврўз байрами уюштирилаётганига ҳам ўн йилдан ошди. Демак, йил сайин бу борада қилинаётган ишлар чархларни, янги фикр-мулоҳазалар, тақлифлар билан бойиб, катта байрам сахналарида ўз аксини топмоқда.

Наврўз байрами — бу шунчаки ўйин-кулги эмас. Ҳар йили янги йил садосини берувчи баҳор байрами янгиликлар, пок-ла-ниш руҳида қутиб олинади. Баҳорий ҳуш кайфият, мил-

лий ва умуминсоний кадрятлар ўзаро уйғунлашиб, республикамизнинг ҳар бир бурчагида намоен бўлиши шубҳасиздир. Бу йилги байрамга тайёргарлик жараёнида ҳам айнан биринчи галда урф-одатларимизга асосий урғу берилиб, республикамиз вилоятларидан иштирок этадиган фольклор дасту-рлар бадиий чиқишларида ўз аксини топади. Албатта, эстрада юлдузлари ҳам янги дастурлар устида ишламоқдалар. Бирок, байрам тантаналарида қайси хонанда ва созандаларнинг иштирок этиши танлов асосида белгиланади.

Шу кўнлардан бошлаб танловлар, турли-туман миллий урф-одатлар, халқ озаки ижоди, миллий кадрятларни таранум этувчи, баркамол, соғлом авлодни тарбиялаш, қарияларни улғувчи юксак бадиий дастурлар яратиш бўйича тадбирлар ўтказилиб, республика танловида фолибликни қўлга киритган гилдиракли Наврўз байрамида иштирок этади.

Албатта, 2002 йилнинг Қарияларни қадрлаш йили деб эътироф этилиши ҳам



байрам дастурини алоҳида ўрин эгаллайди.

Бу йил Наврўзга тайёргарлик кўриш борасида бир янгилик киритилмоқда. Яъни, «Маҳалла» ва «Наврўз» хайрия жамғармалари ташаббуси билан «Энг обод туман», «Энг тоза маҳалла», «Энг намунавий оила» каби танловлар яқин кўнларда эълон қилинади. Ўз навбатида фолибларни Наврўз байрами арафасида катта совғалар кутмоқда.

Шунингдек, аънамага кўра, байрам олдидан Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари, ёлғизлар, ногиронлар учун хайрия тадбирларини ҳам кенг қўламда ўтказиш мўлжалланмоқда.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА
ёзиб олди.

ШАХАР ОКРУГ КОМИССИЯСИДА

Референдум ўтказувчи Тошкент шаҳар округ комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда округ комиссияси аъзолари, жойларда референдум ўтказишга маъсул бўлган кишилар қатнашди.

Мажлисида референдум участкаларининг бўлажак ишчи кампанияга тўла тайёргарлигини таъминлаш, пойтахтдаги мавҳуд 666 та референдум участкаларида шарт-шароит яратилиши

зарурлиги таъкидланди. Бугунча қадар кўпгина участкаларда тайёргарлик ишлари уюшқоқлик билан олиб борилди. Мажлисида айниқса, бу ишларда маҳалла фаоллари амалий ёрдам кўрсатишлари мақсадга мувофиқ бўлиши айтиб ўтилди. референдум участка комиссияси аъзолари зарур бўлган анжомлар билан тўла таъминланиши таъкидланди.

Референдум олдидан ва референдум ўтказилаётган кўни ҳар бир участкага таш-

риф буюрадиган фуқаролар умумхалқ сиёсий жараёни ҳақида тўла маълумот олиши, керакли адабиётлар билан танишишлари учун барча шароитлар яратилиши лозим.

Шунингдек, мажлисида округ комиссия аъзоларининг участкаларда референдумга тайёргарлик юзасидан олиб бораётган ишлар билан танишувини ташкил этишга қаратилган масалалар кўриб чиқилди ҳамда округ комиссияси аъзоларига гувоҳномалар топширилди.

Мактаб ўқувчиларининг киши таътиллари ўзига хос қизқарли ўтаётгани таҳсинга лойик. Яқинда Юнусобод туманидаги 235-мактабда пойтахтимизнинг барча туманларидан келган голиб жамоалар иштирокида стол теннис бўйича «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг шаҳар босқичига старт берилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ҳамда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамкорликларида ташкил-

УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2002 Ким голиб бўлади?

лаштирилган ушбу спорт мусобақаларининг бу сарфари босқичида барча туманларнинг 5-7 синф ўқувчиларидан ташкил топган жамоалар голиблик учун кураш олиб боришмоқда. 3 январдан 10 январга қадар давом этадиган ушбу бемаловларда ҳозирча Мирзо Улугбек, Юнусобод, Собир Раҳимов ва Шайхонтоҳур жамоалари бо-

шқалардан кўра ушбу турнирда яхши тайёргарлик кўрганликларини намойиш этмоқдалар. Шуниси эътиборлики, «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг стол теннис бўйича Тошкент шаҳар голиби мамлакат миқёсидаги беллашуларда пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

(Ўз мухбиримиз)

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига Янги, 2002 йилнинг кириб келиши муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан, йирик намоёндалар, нуфузли ташкилотлардан Ўзбекистон халқига тинчлик ва оқойишталик, бахт ва омонлик, янада тараққиёт ҳамда раванқ тилаб билдирилган табрик ва кутловлар келиши давом этмоқда.

• **Кеча** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсарой қароргоҳида мамлакатимизга ташриф билан келган АҚШ сенаторлари делегацияси аъзоларини қабул қилди. Қабул пайтида минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги аксилтеррор жараёнларини ўтказиш пайтидаги мамлакатларнинг биргаликдаги ҳаракати масалалари муҳокама қилинди, шунингдек, икки томонлама ҳамкорликнинг яқин келажақдаги истиқболлари аниқлаб олинди.

• **Кеча** АҚШ сенаторлари Олий Мажлисида бўлдилар. Бу ерда улар Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов билан учрашдилар. Сенаторлар шунингдек, Ўзбекистон Мудофаа вазири Қодир Фуломов билан ва мамлакат Куроли Кучларининг раҳбар таркиби билан ҳам учрашдилар. Шу кўни кечқурун меҳмонлар пойтахтдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида журналистлар билан учрашдилар.

• Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси йиғилишида «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги ҳамда «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонунларнинг Қашқадарё вилоятидаги ижроси муҳокама қилинди.

• Қаршида вилоят телемарказининг бош корпуси фойдаланишга топширилди.

• Андижон вилоятининг Булоқбоши туманидаги «Найман» фермер ҳўжалигида макарон тайёрланадиган янги цех очилди.

• Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ўтказилган республика семинарида академик лицейлар ва касб-ҳўнар коллежларини юксак малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

• Андижондаги 3-туғруқхонада «Еш оталар мактаби» очилди. Бу ердаги машғулотларни тажрибали шифокорлар, педагоглар, кўп болали оилаларнинг бошлиқлари, маҳалла қўмиталарининг фаоллари олиб боришмоқда.

Жаҳонда

• **Бугун** Хитойда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бўлиб ўтади. Ундан қўзда тутилган мақсад Афғонистоннинг келажагини, террорчиликка қарши кураш, шунингдек, Хиндистон билан Покистон ўртасидаги муносабатларни муҳокама қилишдан иборат.

• **Кеча** Непал пойтахтида Жанубий Осиё мамлакатлари минтақавий ҳамкорлик ассоциацияси саммити ўз иштини якунлади.

• АҚШ расмийлари Афғонистоннинг урушдан сўнги иқтисодийтини қайта тиклаш мақсадида 400 миллион доллар сарфатишни аён қилган. Маълумки, бундан бир муддат олдин Оқ уй мулозимлари афғон халқига 320 миллион доллар ҳамда гуманитар ёрдам кўрсатган эди.

• Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари Хамид Карзай жорий йилнинг февралда расмий ташриф билан АҚШга бориши мумкин. Афғонистоннинг Вашингтондаги элчихонаси матбуот хизмати раҳбари Харон Амин шундай деди.

• Афғонистон муваққат ҳукумати Кобул қамоқхоналарида ушлаб турилган 260 толиб асирини озод қилди. Қизил Хоч жамияти эса уларнинг ҳар бирига маълум муддат яшashi ва ўз уйларига етиб олиши учун 500 афғон (20 АҚШ доллари) миқдорда пул тарқатди. Муваққат ҳуку- мат раҳбари Хамид Карзайнинг баёнот беришича, озод этилганлар ҳуқуқи ўзида бўлмаган ҳамда толиб қўшинларида раҳбарлик даражасида хизмат қилмаганларни ташкил этар экан.

• Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари Хамид Карзай АҚШнинг ҳарбий-ҳаво операцияси мамлакатда террорчи гуруҳлар бутунлай йўқ қилингунга қадар давом этиши лозим, деган фикрда. Ҳукумат ҳаво зарбалари тинч аҳоли вакилларига эиён етказмаслиги учун бор имкониятни ишга солади, деди у.

• **Кеча** дастлабки 150 нафар француз ҳарбий хизматчиси Афғонистонга жўнаб кетди. Маълумки, Афғонистонда тинчликни қўллаб-қувватлаб турувчи халқаро кучлар мамлакатда 6 ой мuddат бўлиши тўғрисидаги БМТнинг мандатини олганлар. Бу кучлар жаҳоннинг 17 мамлакатидан келадиган қарий 5 минг нафардан иборат ҳарбий хизматчилардир.

• Жаҳондаги турли агентликлар томонидан террорчилар раҳнамоси Усома бин Лодиннинг оғир тан жараҳати олганлиги хусусида хабар тарқатилди.

• Расмий Вашингтон махсус хизмат маълумотларига таяниб мамлакатда жорий этилган фавқулодда ҳолат муддатини 11 мартгача узайтириш тўғрисида қарор қабул қилди, дея хабар қилди ABCNews.com.

• **Кеча** Американин Флорида штатидаги Тампа шаҳри марказидаги осмонўпар биного «Сенса-176» кичик самолёти келиб урилди. Маъмурларнинг хабар беришича, самолётни 15 ёшли хаваскор учувчи бошқарган. У рўй берган воқеанин ягона қурбони бўлди. Маъмурлар ушбу фалокат террорчилик ҳаракати эмаслигини айтдилар.

• **Кеча** Американин Яқин Шарқдаги вакили Э. Зинни вотиачилигида Исроил ва Палестина делегацияларининг ўзаро учрашуви бўлиб ўтди. Унда хавфсизлик муаммолари муҳокама қилинди.

• **Кеча** Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Деҳлида Хиндистон Бош вазири Атал Бихари Ваджай билан музокарали олиб борди. Жанубий Осиё мамлакатлари бўйлаб ташрифини давом эттираётган Буюк Британия Бош вазири **бугун** Исламободда Покистон Президенти Парвез Мушарраф билан учрашди.

• Аргентина Президенти Э. Дуальде мамлакат ҳукуматининг янги таркибини эълон қилди. Унга кўра, 37 ёшли иқтисодчи Хорхе Капитанич Бош вазир курсисини эгаллади. Яна 6 нафар мулозим мамлакатнинг турли вазирлик портфелларига эга бўлишди.

• **Кеча** Аргентина конгресси миллий валюта — песони девальвация қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўпчилик овоз билан маъқуллади.

• Россия Президенти Владимир Путин мамлакат йўл алоқалари вазири Николай Аксененкони ўз вазифасидан озод этиш ҳақидаги буйруққа имзо чекди. Ҳозирча ушбу истефого сабаблари хусусида изоҳ берилмапти. Маълумки, ўтган йил охирида собиқ вазир фаолияти Россия прокуратураси томонидан тафтиш қилинган эди.

• Москва арбитраж суди «ТВ-6-Москва» телеканални бош директори Е. Киселевнинг ўз лавозимига тегишли қонунчилик меъёрларига мос равишда сайланган, дея қарор чикарди.

• Фиджи Бош вазири Л. Караса ва мамлакат ҳукуматининг қатор намоёндаларига суиқасд уюштирмақчи бўлган 4 нафар киши ҳибсга олинди.

• Лондондаги машҳур мадам Тюссо музейида ўтказилган сўрономаларда биринчи раҳамли террорчи Усома бин Лудин дунёнинг барча нафратланадиган кишиси, деб топилди.

Янги йилнинг дастлабки кунлари Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги 157-сон Қарорига мувофиқ аспирантлар учун таъсис этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йилги Давлат стипендиатларини аниқлади.

5 та устувор илмий-техник йўналиш бўйича аниқланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йилги давлат стипендиатлари танлови голландия ора-сидан Республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига мос илмий-иқтисодий сифатли шакллантириш йўналиши бўйича Ўзбекистон Бадий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг аспиранти Дилафрўз Қодирова ҳам муносиб ўрин олди.

Санъатшунослар оиласида камолга етган Дилафрўз ёшлигидан санъатга, театршуносликка қизиқди. У ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлагач Камолдин Беход номидagi Миллий расомлик ва дизайн институтининг санъатшунослик бўлимида тахсил олди. Институтни битиргач Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида тури лавозимларида ишлади. Шу даврдан бошлаб ёзган илмий мақолалари газета ва журналларда чоп қилинди. Дилафрўз ушбу мақолаларида театрда сценография, хуёсан либос ва пардоз масалалари, саҳна орти ижодкорларининг фаолияти, Ўзбекистон театр расомларининг ижодий портретлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

— Ёшлигимдан театршунос бўламан деб орзу қилардим, — дейди Дилафрўз Қодирова. — 1999 йилда Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг «Театр санъати» мутахассислиги бўйича аспирантурага ўқишга кирдим. Янги йил мен учун омалди, қувончли йил бўлди. Ўзбекистон Республика-

си Президентининг 2002 йилги Давлат стипендиатига сазовор бўлганимдан бениҳоя бахтиёрман. Президентимизнинг ёшларга кўрсатган чексиз ғамхўрликларидан гоёт миннатдорман. Келажаги буюк Ўзбекистон фарзанди эканимдан ниҳоятда фахрланаман.

Бугунги кунда институтида «Ёш олимлар» кенгаши ташкил қилинган. Бир йилда икки марта «Санъатшунослик ниҳоллари» мавзусида илмий конференция ўтказилди. Мен ушбу кенгаш қотибман. Конференцияларда бошқа институтлардан ҳам олимлар иштирок этадилар. Илмий фаолиятимда жуда кўп жонли суҳбатлар олиб боришга тўғри келади. Таниқли ўзбек актёрлари, режиссёрлар, санъат арбоблари, расомлар ва либос расомлари билан қилинган суҳбатларимизда саҳна актёрларининг, режиссёрларнинг расомлар билан мулоқотлари, муносабатлари, саҳна асарининг бадий ечими, либос танлаш ҳақида сўз боради. Шу мақсадда илмий ишимга «XX аср ўзбек театрида либос ва пардоз муаммоси» мавзусини танладим.

Келгусида орзуларим, режаларим катта. Бу йил илмий ишимни муваффақиятли якунлаб, ўқувчи ёшлар, талабалар учун яхши бир ўқув қўлланмаси тайёрлаш, ўзбек театрини жаҳон театрлари даражаси қаторида, жаҳон талабларига жавоб бера оладиган саҳна асарлари яратилишига муносиб ҳисса қўшиш, илмий салоҳиятимни янада ошириш учун хорижга чиқиб театр санъатини ўрганиш шулар жумласидан.

Ёш оlima, театршунос Дилафрўз Қодированинг қалбидagi жўшқинлик, ёрқин фикр-уйлари, мулоҳазалари, оидин режалари унинг санъат ва маданиятимиз тараққиётига жонқуярлиги, фидойилигини ифода этиб турибди. Президентимиз стипендиасига сазовор бўлиш бу катта шараф. Буни юракдан чуқур ҳис қилаётган Дилафрўз ушбу ишончини ўзининг илмий салоҳияти билан тўла оқлашга, бундан кейин олиб борадиган илмий ижодий изланишларига янада масъулият билан ёндашишга астойдил киришган.

Дилором ИКРОМОВА

Қанотланган орзулар



РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА



Қардошлар бағрида

Республикамиз истиқлолга эришиб мустақил ҳаёт кечираётганига ҳам 10 йилдан ошди. Ана шу тарихан озгина вақт ичида асрга татиғулик оламшумул тараққиёт ва юксалишларнинг гувоҳи бўлдик. Албатта, бу ютуқлар республикамизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, Президентимиз олиб бораётган доно миллий сийёсат мевасидир.

Маълумки, мамлакатимиз кўп миллатли давлат, юртимизда 130 дан ортик миллат вакиллари бир оила фарзандлари каби иноқ яшамоқда. Миллатлараро тотувлик эса республикада истиқомат қилувчи барча миллатларнинг урф-одатлари, маданияти, тили ва санъатини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Жумладан, Ўзбекистонда яшаётган уйғурлар ҳам Ўзбекистонни ўзларининг ватани, киндик қони тўкилган муқаддас диёр деб ҳисоблайди.

Маҳдум Қошғарий ўзининг «Девону луғотит турк» Юсуф Хос Хожиб эса «Қутадғу билиг» номли қомусий асаридagi ўз даврларининг маданияти, тили ва тарбиясига доир ўта муҳим маълумотларни баён этиб қолдириш билан бирга, уйғур ва бошқа туркий халқларининг тарихи, яшаш тарзи, маданияти, санъатига оид кўп бебаҳо маълумотларни биттандилар.

Айни пайтда ҳам уйғур халқи зиёлилари мустақил Ўзбекистоннинг турли ижтимоий соҳаларида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Республикада уйғур миллатига мансуб 200 га яқин фан номзодлари, ўн нафардан кўп фан докторлари ва бир нечта академик, профессорлар етишиб чиқди. Жумладан, академик Я. Мубораков, М. Ҳамроев, тиббиёт фанлари доктори, профессор, иммунология институти директори Р. Рўзиев, физика-математика фанлари доктори профессор А. Алиев, санъатшунос-

лик фанлари доктори А. Ҳошимов, филология фанлари доктори, профессор Т. Саттаров, техника фанлари доктори Х. Тиллашев, иқтисод фанлари доценти Ш. Облакоча, Ўзбекистон Бадий академияси академиги, республика Давлат мукофоти совриндори Қ. Башаров ва академик Л. Ибрагимовларнинг номларини мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам яхши билишади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси қошида уйғур ёзувчи-шоирларининг кенгаши бўлиб, унда Ўзбекистонда истиқомат қилиб ижод қилаётган Я. Тоиров, Т. Наметов, С. Сатишев, С. Жамал, С. Бабажанова, Т. Икрамий, Ф. Ханизова ва бошқа кўнлаб шоир-ёзувчиларимиз ўз асарларида эзгулик, бахт-саодат, ҳалол меҳнат, миллатлараро тотувликни куйлаб келмоқдалар.

Уйғур зиёлиларининг ичида расомлар ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Улар ўз асар-

шаклланди. Бу улкан юмушга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Х. Қодирова, санъатшунослик фанлари доктори, мақомшунос А. Ҳошимов, композитор Ш. Шоҳмардонова, халқ артисти А. Аҳмадиев ва бошқалар ўзларининг катта ҳиссаларини қўшилдилар.

Кино санъатида Мақсуд Мансуровни кўпчилик томошабинлар яхши билишади. Олтин Ҳумо қуши совриндори Р. Ибрагимовнинг номи ҳатто чет элларга ҳам таралган. Хуллас, қайси соҳани олмайлик уйғур миллати вакиллари учратамиз.

Бугунги кунда Президентимиз олиб бораётган оқилона миллий сийёсат ва эркинлик билан фойдаланиб халқимиз вакиллари жамият тараққиёти ва рағнақи йўлида янада фаол ишламоқдалар. Республика Байналмилал маданият маркази қошида уйғур миллий маданият маркази фаолият олиб бораётганига ўн йилдан ошди. Шу вақт мобайнида марказ миллатимиз тилини, санъати ва маданиятини, йўқолиб бораётган урф-одатларини тиклаш ва ривожлантириш бўйича кўп яхши ишларни амалга оширди.

Айниқса марказ раислигига тадбиркор аёл Ш. Облакоча тайинлангандан кейин иш ниҳоятда жонлиб кетди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Х. Қодирова бошчилигида «Гулоийм» ансамбли ташкил топди. «Нуроний» хайрия жамғармаси томонида қариларга, турмуши мискин оилаларга ёрдам бериш йўлга қўйилди. Ким Пен Хва ширкат хўжалигида уйғур адабиёти, тарихи ва эски ёзуви ўқитиладиган синф очилди, марказнинг ўн йиллик тарихи ҳақида яратилган китоб нашрдан чиқиб олдида турибди. Республика ўқувчилар саройида уйғур миллий рақс тўғрисида очилди. Бу ишлардан илҳомланган халқимиз, Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги туманларда республика Уйғур миллий маданият марказининг шўъбаларини очган ҳолда марказга яқиндан ёрдам бермоқда. Бу ишларнинг ҳаммасини Президентимизнинг олиб бораётган доно миллий сийёсати меваси деб биламиз. Бу эса юртимиздаги тинчлик, хотиржамлик, фаровон турмуш манабидир.

Турсун ОЛАЛИМОВ

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: ИСТИҚБОЛ ВА МУАММОЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги Фармони ва унга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридa пойтахтимизда 2001 йил мобайнида туманлар коммунал-фойдаланиш бошқармаларини тугатиш ва улар негизда уй-жой мулкдорлари ширкатларига, корхона ва ташкилотларга шартнома асосида хизмат кўрсатувчи хўжалик ҳисобидagi авария-тиклаш хизматларини Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилиши кўрсатиб ўтилган эди. Ана шунга кўра Миробод тумани ҳокимлиги коммунал-фойдаланиш бошқармаси негизда 2001 йилнинг 1 августидан хўжалик ҳисобидagi коммунал таъмирлаш ва авария-тиклаш хизмати ташкил қилиниб, ўз фаолиятини бошлаган эди. Утган давр мобайнида бу ерда амалга оширилган ишлар ҳусусида туман ҳокимининг ўринбосари, коммунал таъмирлаш ва авария-тиклаш хизмати директори Александр ОКМУРОДОВ куйидагиларни баён этди:

— Коммунал таъмирлаш ва авария-тиклаш хизматининг асосий вазифаларидан бири уй-жой мулкдорлари ширкатлари хоҳиши билан шартнома асосида жорий ва тубдан таъмирлаш, аварияларни бартараф қилиш ва уй-жойдан фойдаланиш ишларини амалга оширишдан иборат. Туманда ушбу хизмат ташкил қилингандан буён туман ҳокимлиги ва ширкатлар билан биргаликда уй-жойдан фойдаланиш ва коммунал хизмати учун аҳолининг дебитор қарзларини қисқартириш ва «Тошхисликкуват», «Сувсос», «Тошгаз», худудни санитар тозалаш дирекцияси томонидан кўрсатилган коммунал хизматлари учун тўловларни ўз вақтида ундириш ишлари олиб бориляпти. Албатта, олдимиздаги вазифаларни амалга оширишда туман ҳокимлиги катта ёрдам кўрсатяпти. Ҳокимликда ширкатлар ва хизмат ҳодимлари билан биргаликда ўтказилаётган йилги ишларда уй-жой фондидан фойдаланиш, мавсумий тайёргарлик ишларини амалга ошириш, тубдан таъмирлаш ишларига сарфланган пул маблағини тўплаш, шунингдек аҳолидан тўловларни тўлиқ йиғиб олиш масалаларига мунтазам

аҳамият бериб келинмоқда. Ширкатларга хайри ёрдамни кўрсатиш, кўп қаватли уйларни киши мавсумга тайёрлашда ширкатларни керакли материаллар

билан таъминлаш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилганини айтиб ўтиш керак. Шуниси қувонарлики ширкатларга ёрдам тарихида ҳар бирига ташкилот ва фирмалар, тадбиркорлар ҳомий сифатида бириктириб қўйилган ва улар ўз ёрдамларини кўрсатиб келишмоқда. Ҳозиргача ҳомийлар томонидан 8 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилган.

— Туман худудидagi ширкатларга ўтган давр мобайнида кўрсатилган ёрдам нималарда ўз ифодасини топди? — Бугунги кунга келиб туманимизда 33 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Албатта, бу ерда ширкатга аъзо бўлган хонадонларга намунали хизматни ташкил этиш, уларнинг ишончини оқлаш, шу билан бир-

галикда уларни ўз уйларини асрашга, саранжом-сарихта, ораста тутишга, ресурслардан тежаб-тегаб фойдаланишга ўргатиш борасида анчагина ишлар амалга оширилмоқда. Туманимиз худуди 4 га бўлинган ва ҳар бир худуддаги ширкатларда туғилдиган муаммоларни бартараф қилишга ёрдам берувчи туман ҳокими ўринбосари ва ҳокимият ҳодимлари бириктирилганлиги ҳам яхши натижа бермоқда. Фаолиятимиз давомидаги амалга оширган ишларимизни мисоллар билан изоҳлайдиган бўлсак, майдон 29.303 квадрат метр бўлган 537 та уйнинг томи таъмирланди, майдон 1878 квадрат метри ташкил этган 570 та уйнинг кириш йўлакларига ойналар ўрнатилди. Шу билан бирга хизмат томонидан уй-жойдан фойдаланиш ва уй-жой фондидан тутиш та-

рифлари қардан келиб чиқishi, статистик ҳисоб-китоблар тузилиши ҳақидаги семинарлар ўтказилиб, унда соҳа ҳодимлари иштироки таъминланмоқда. Ширкатларга ҳукуматнинг янги қарорлари, коммунал хизматлари учун тарифлар ҳақида маълумотлар бериб берилаётгани ишни тўғри ташкил этишда самара бераёпти. Техник қоллаш ва касса хизматини кўрсатиш бўйича коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро хисоб-китоб ишларини олиб боришда яқиндан ёрдам кўрсатилмоқда.

Сирасини айтганда, олдимиздаги мақсад ва вазифаларимизни тўғри англаган ҳолда ҳар бир ишни тўғри ташкил этиш ҳамда сидқидилдан меҳнат қилишга интиляямиз. Ишларимизнинг бошланиши чакки эмас. Янги йилда эса эзгу ниятларимиз янада кўп, ислохотларни амалга ошириш йўлида меҳнатимизни аямаймиш.

Шарифа ИЛЕСОВА ёзиб олди

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Ишларимиз кўп

• Рамзиддин АХМЕДОВ, А. Икромов туманидаги «Икбол-сервис» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси: — Ширкатимиз 2000 йилнинг май ойида ташкил этилган бўлиб, тасарруфимизда 46 та кўп қаватли уй бор. Ана шу биноларда 2654 хонадон аъзолари яшайди ва ҳодимларимиз уларга намунали хизмат кўрсатишга ҳаракат қилишмоқда.

Барча ишларимизни Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорларини ширкатлари тўғрисида»ги Қонунига асосан ташкил этганлигимиз боис ҳам ўтган давр мобайнида кўзлаган мақсадимизга эришиб бормоқдамиз. Аввало, ўз ишимизни ширкатнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашдан, тажрибали кадрларни танлашдан бошладик. Натжида, айни даврда хонадон эгаларидан тушган ҳар қандай зўртамни ҳам бекаму кўст бажара оламиз. Энг муҳими, тасарруфимиздаги ҳар бир уйнинг шароитини яхши ўрганганимиз, қайси уйга нима кераклигини биламиз.

Ҳодимларга ҳар доим шунди алоҳида таъкидлаб ўтаман: хонадон эгаси коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаётгани, унинг бизга тегишли ҳар бир зўртамни, талаби бажарилиши шарт.

Олдимизда қиладиган ишларимиз кўп. Энг эзгу мақсадимиз эса ҳар бир хонадон соҳибига ўз уйи, қўни-қўшинлари олдидаги бурч ва масъулиятларини тўғри англаш, улар учун намунали хизматни йўлга қўйиш, уйларимизни эса нафақат туман миқёсида, балки пойтахтимизда ҳам энг ибратли, обод, барча қулайликларга эга бўлган масканга айлантиришидир.

Тозаликка нима етсин!

• Фарида МУСАЕВА, фаррош: — Мен ўз қилаётган ишимдан, яъни шахримиз тозаллигига, саранжом-сарихталигига ҳисса қўшаётганимдан хурсанд бўламан. Лекин кўпгина кўп қаватли уйларда яшовчи хонадон эгаларидан кўнгилим ранжийди. Узим тозалайдиган уйлар атрофини суриб-сидириб, чиқиндиларни олар эканман, йиғирма қадам нарида қинди қутиси туриб, одамларнинг шундай йўлак ёнига, ариқ чиги ташлаб кетган турли чиқиндиларни кўраман. Бу ҳам майлия, баъзида тозаланимизга ярим соат ўтар-ўтмас уйнинг ён-атрофи яна чиқиндиларга, ҳар хил идиш, сигарет қутиларига тўлади. Йўлаклардаги зиналарни ойлаб тозалайдиган хонадон эгалари борлигини ўз кўзим билан кўраман. Вақти келса ана ўша хонадон соҳибалари кўчада соатлаб гап сотиб туришади. Ана шундайларга мурожаат қилмоқчиман: ахир шунча ҳам бепарвосиз. Остонангизнинг, ҳовлингизнинг, умуман яшаётган жойингизнинг тоза ва озодлиги ўзингиз ва фарзандларингиз сийхат-саломатлиги гарови-ку. Бунинг устига аёл эканлигимизнинг, фарзандлар тарбияси — она эканлигимизни унутмаган ҳолда орасталикка эътибор қаратиш асосий вазифаларимиз сирасига кирмайми? Показалик, озодлик бурчаним бахри-дилини очишини унутмаган ҳолда, уни қундали юмушларимиз қаторига қўйсак фойдали бўларди.



Миробод туманидаги «Одол» уй-жой мулкдорлари ширкати электрчиси Ботир Зокировнинг хизматидан хонадон эгалари мамнун бўлишмоқда. СУРАТДА: Ботир Зокиров носозликни бартараф этмоқда. Сергей Любич олган сурат.

Қарздорликдан уялинг

Бирор вақт билан хонадонимизда маълум сабаб газ ёнмай қолса, фигонимиз фалакка чиқиб, нечта жойга кўнғирок қиламиз, носозликни тезроқ тугатишни талаб этамиз. Негаки бугунги кунда «зангори олов» турмушимизга чуқур сингир кетган, усиз мушкуллимиз осон бўлмайди.

Лекин шундай хонадон эгалари ҳам борки, «зангори олов»нинг беминат хизматидан истаганча фойдаланишадиган, ҳақини тўлашга эҳтиш қолган эса пайсалга солишади.

Пойтахтимиз аҳолисини бетўхтов «зангори олов» билан таъминлашга ҳаракат қилаётган «Тошшаҳарга таъминот» шўъба корхонасидан берилган рўйхатга кўз югуртирар эканмиз, шахримизнинг ҳар бир туманида ана шундай қарздор шахсларнинг бемалол юрдан-юрдига, гарданларидagi қарздан вақтида қутилишни ўйламаётгани ҳайрон қолдик. Бунинг устига улар газ таъминоти ҳодимларининг қимматли вақтларини беҳуда сарфлаб, кўчама кўча, хонадонна хонадон юриб газ ҳақини йиғишга сабабчи бўлаётгани-чи. Булар кимлар дейсизми? Ақмал Икромов тумани, Мардик кўчаси, 73-уйда яшовчи Абдулла Фуло-

мов 54720 сўм, Шайхонтоҳур тумани, Ходи Тақташ кўчаси, 8-уй соҳиб Файрат Расуллов 50 миң сўм қарздор бўлиб, бир-бири билан ким ўзарга мусобақадан, ҳақини тўлашга эҳтиш қолган қандай яқун топаркин? Яққасарой тумани, Театральная кўчаси, 15-уйда истиқомат қилувчи Жавот Усмоновнинг 41475 сўм, Ҳамза тумани, Зумрад кўчаси, 7-уйда яшовчи Санобар Қайибназаровнинг 35 миң сўмдан зиёд қарзлари бўла туриб пинангига бузмаганлиги ҳайрон қоласиз.

Шунингдек, Миробод тумани, Водил кўчаси, 4-уйдан Маликон Ширўқян 30116 сўм, Ҳамза тумани, Икромов кўчаси, 93-уйдан Уктам Дўстов 29409 сўм, Бойсун кўчаси, 108-уйдан Николай Мартиманов 28124 сўм, А. Икромов тумани, Зафарий кўчаси, 5-уйдан Мастура Икромова 29334 сўм, Шайхонтоҳур тумани, генерал Узоқов кўчаси, 10-уйдан Пошшоҳон Комилова 26792 сўм, Ушарўй кўчаси, 5-уйдан Одил Аҳмедов 20600 сўм, Яққасарой тумани, Мираҳмедов кўчаси, 4-уйдан Рустам Хисамовнинг 22520 сўм қарзлари бор. Уларга эса айтадиган гапимиз битта: қарздорликдан уялинг, газ ҳақини вақтида тўланг, шунда хижолатдан қутиласиз.

(Ўз муҳбиримиз) «ОҚШОМ»ГА ХАТЛАР

Арзимни эшитишмаяпти

Мен пойтахтимизнинг Мунис кўчаси 16-уй, 9-хонадонда истиқомат қиламан. Мутасадди ташкилотлар арзимга бепарволик билан қараган «Оқшом»га ёзишга мажбур бўлдим. Бир неча йилдирки, уйимнинг томи-

дан чакка ўтади. Ёғингарчилик бўлса, юрагимни ҳовучлаб тураман. Узимиз аъзо бўлган уй-жой мулкдорлари ширкати ҳодимларига бир неча марта арз қилдим. Лекин улар «бугун-эрта» деб ишни пайсалга солишмоқда. Билмадим улар тоқайгача арзимни пайсалга солишадигу қачонгача томидан чакка ўтади?! ШОИРА РИЗАЕВА, II гуруҳ ноғирони.

МАТБАА «СУҒУРТА» ДАРСЛИГИ

Молия тизимидa суғурта ҳам алоҳида ўрин тутади. Шу сабабли ҳам суғурта молия ва иқтисодиёт олий ўқув юртиларида алоҳида фан сифатида ўқиб ўрганилмоқда.

Талаба-ёшларни мазкур соҳа билимлари билан қуроллантиришга қаратилган қатор нашрлар ҳам чоп этилди. Бунда Тошкент Давлат молия институти олимлари айниқса фаоллик кўрсатмоқдалар. Таниқли мутахассис олим, профессор Ҳикмат Собировнинг кўп йиллик илмий изланишлари ва орттирган бой тажрибаси натижаси

ёлароқ «Суғурта» дарслиги юзага келди. Яқинда кўп нусхада босмадан чиққан бу янги ўқув адабиёти ўзбек тилида ёзилган дастлабки дарслик сифатида ҳам аҳамиятлидир. Бу нашр суғурта масалалари билан шуғулланаётган мутахассислар бўлуси молиячи кадрлар учун яхши совға бўлди. Анвар ВАЛИЕВ

Исми жисмига монанд

Тошкентдаги ҳарбий шахарчада Бахтиёр акани ҳамма танийди. Мабодо сиз бошқа Бахтиёрни излаб, шахарча ахлига мурожаат қилсангиз ҳам улар аввало «Узимизнинг дўхтирини айтгани-сизми?», дейишади. Билмасангиз, билиб қўйинг. Эл ардоғидаги бу инсон ҳам Ватан, ҳам саломатлик посбони бўлган тиббий хизмат капитани Бахтиёр Қосимов бўлади.

Бахтиёр ака 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтини тутатган. Мутахассислиги — жароҳ. Шифокорлик касбини эгаллаб, 2 йил давомида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг пойтахтдаги 1-клиник касалхонасида жароҳ бўлиб ишлади. 1996 йилдан бери эса у Куролли Кучлар сафида. Мудатли ҳарбий хизматни ўтаб юрган пайтида тиббий пунктда санитария ва санитария бўлимида ишлашга тўғри келган. Шу-шу унда ҳарбий шифокорликка ҳавас уйғонган. Энг муҳими, мустақил Узбекистон армияси учун шифокорлар зарур эканлигини эшитиб, ҳаётини ҳарбий соҳага боғлади. Армия ҳаётида ўтган 5 йиллик умри сарҳисоб қилиб, афсусланмайди. Ахир у не-не Ватан посбонларини даволади, сафга қайтарди. Аслида Ватан ҳимояси йўлида жавлон ураётган ўзларимиз жонғавор ютуқларининг ярми ҳарбий шифокорларимизники, десак ҳам янглишмаймиз.



Термизда, Фарғонада ҳарбий шифокорлар иштирокида бўлиб ўтган ўқув-ўқувчилар йиғинлари капитан Қосимов учун ҳам улкан сабоқ бўлди. Умуман ҳарбий шифокорларимизнинг малакаларини оширишга берилаётган эътибор бесапар кетмапти. Хизмат сафар-

лари маҳали госпиталь, тиббиёт хизмати, тиббий пункт бошқилари билан суҳбатлашиб, иш тажрибаларини кузатамиз. Мен шунга амин бўлаётманки, бугун Узбекистонда ҳарбий тиббиёт соҳаси оққа турди, муайян шаклланив босқичига чиқиб олди. Келинг, энди капитан Бахтиёр Қосимов стажчилигидаги тиббиёт маскани билан танишайлик. Аввало, саломатлик масканига яқинлашганингиз ҳамона баҳри-дилингиз очилади. Айниқса, баҳор, ёзда анвойи гуллар, ихчамгина фаввора, беморлар дам оладиган майдончалар бунга сабаб бўлиши табиий. Тиббиёт пункти бўлимларига, даволаш хоналарига кирсангиз ҳам табиат манзаралари акс этган портрет, гулгоҳларни кўрасиз. Эътиборини тортган нарсани дарҳол фаҳмлаган Бахтиёр ака «Қишлоқ фарзандиман. Гул ўстиришга, боғ қилишга ишқибозлигим бор. Хуллас, табиат шайдосиман, муҳбир ука. Билсангиз, табиат кўйинда бўлиш, ундай манзаралардан эстетик завқ олиш ҳам хасталиклардан фориғ қилади», деди. Биз физиотерапия, дорихона, диагностика хонаси, лаборатория, қабул бўлими, лазаретни кўздан кечирдик. Керакли асбоб-ускуналар, жиҳозлар мажмуи.

Шу ўринда гуруҳ фельдшерлари — тиб-

биёт хизмат старшинаси Алишер Назарқулдов, тиббий хизмат старшинаси Сирожидин Йулдошев, тиббий хизмат катта сержанти Яшарқон Одилов, тиббий қисм фельдшер прапоршик Тамара Кефер, 27 йилдан бери фаолият кўрсатаётган Куролли Кучлар хизматчиси ҳамшира Галина Навроқаяларнинг эзгулик йўлидаги хизматларини алоҳида таъкидлаймиз.

Дейлик, ёзи ўқув мавсумида посбонларимизга офтоб уриш, вирусли гепатит ва ўткир ичак яллиғланиши билан боғлиқ касалликлар хавф солиши мумкин. Мазкур жамоада бу каби муаммоларнинг олдини олиш учун режа ишлаб чиқилиб, мунтазам назорат қилинади. Ҳар куни казарма, ошхона ва хасталик келиб чиқиши эҳтимоли бўлган бошқа жойлар дезинфекцияланади. Шифо маскани қишқик ўқув мавсуми синов машғулотларида Мудофиа вазирлигидан келган офицерлар томонидан текширилиб, энг яхши тиббиёт пунктларидан бири, деб топилди.

Бахтиёр аканинг рафиқаси Соҳиба опа Абдурахмонова ҳам шифокор. Улар икки қиз, бир ўғилни тарбиялаб, вояга каказишмоқда. Шифокорга синоним излаб, овора бўлмаганг. Эзгуликни касб қилган одамлар, девверинг. Ана шундайлардан бири ҳақида эса юқорида андак фикр юритдик.

Алижон САФАРОВ, капитан.

2002 — КАРЯЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 2002 йил Каряяларни қадрлаш йили деб эълон қилинди. Бу эса келажаги улуг мамлакатимизнинг истиқболдан далолатдир.

Йигитлик ва қарилик ҳақида

Зотан, қарияларни эъзозлаш уларга ғамхўрлик қилиш — олижанобликдир. Зеро, киши қариғач куч-қувватдан қолиб, ўзини хаста кишилардай хис қилади ва ширин сўз, илқ муомалага эҳтиёманд бўлиб қолади. Бинобарин, доно халқимиз қарияларни доим эъзозлаб келган. Доношмандал алломаларимиз қариялар ҳақида жуда кўп ибратли панду насихатлар ёзиб қолдирганлар. Чунончи, Хувайдо «Қарилик мавсуми меҳнат, йигитлик ваки рохатдур» деса, Алишер Навоий «Йигитликда йиг илмининг маҳзани, қарилик чоғи қарж қилғил ани», дейди. Машҳур «Қобуснома» асарининг муаллифи Кайқовус, йигитлик ва қарилик ҳақида сўз юритаркан: «Эй фарзанд, сен жоҳил йигитлардан бўлмаганин, жоҳилликдан бало пайдо бўлади. Йигитлик замонидаан фойдалангил, қариған вақтингда ўз ҳолингга йиғламангил. Ҳар қанча ёш бўлсанг ҳам ўлимдан беҳабар бўлма, чунки ўлим на қарини ва на йигитни қўяди».

Ҳамма вақт йигитлар билан ҳамсуҳбат бўлаверма, қарилар билан ҳам ҳамсуҳбат бўл! Мажлисни ҳам қарилар, ҳам йигитлар суҳбати билан ораста қил, чунки қариларнинг билганини йигитлар билмайдилар. Йигитларнинг одати шундайки, қариларни масҳара қилиб улар устидан куладилар. Чунки қариларни йигитликка муҳтоб деб биладилар, шунга асосланиб қариларни масҳара-мазаҳ қилиб, беҳурмат қилишлари ақдан эмас. Чунки қарилар йигитликни орзу қилганларидек, йигитлар ҳам қариликни орзу қилдилар. Қарилар-ку ўз орзуларига етишганлар, аммо йигитлар ўз орзуларига етишдиларми, ё йўқми бу ҳали маълум эмас. Эй фарзанд, ана шундай йигитлардан бўлма, қариларни ҳурмат қил, улар ҳақида беҳуда сўз айтма, уларнинг олдига одоб ва камтарлик билан сузла.

Ҳикоят. Шундай эшитганманки, юз ёшга кирган ва қадди ёйдек бўкилган бир қарни қилига ҳасса ушлаб борар эди. Бир йигит уни масҳара қилиб деди: «Эй шайх, ушбу ёйни қанчага сотиб олдинг, айт, мен ҳам сотиб олай», деди. Шайх: «Агар узоқ яшасанг, сабр қилсанг, бу ёйни сенга текинга берадилар», — деб жавоб берибди.

Эй фарзанд, қариликка етсанг, йигитлардан узоқ бўл, чунки қариликда йигит феълини қилиш ёмон кўринади ва ўзига оро берган қаридан қоч, чунки ташки томондан бузилган қария жоҳил йигитдан ёмонроқ бўлади, нопок қарилардан қоч! Қариған вақтда йигитлик ҳаёли ва йигитлик қилиқларидан узоқда бўл!

Ҳамма халойикнинг умри кўёшга ўхшайди. Йигитларнинг кўёши Шарқдадир, қариларнинг кўёши Фарбдадир, фарбада бўлган кўёш тез ботади, бинобарин, қариликка йигитлик феълини қилиш номуносибдур. Эй фарзанд, ҳамиша қариларга раҳм-шафқат қил, қарилик беморликдир, аммо ҳеч ким уни кўришга бормайди.

Эй фарзанд, қариликка етсанг бир жойда яшагил, чунки қариликда сафар қилиш ақдан йирокдир.

Халқ ҳикматларидан бирида шундай дейилади: «Қарилик зийнати кўп гапирдида эмас, балки камсуҳбатликдир».

Ешларни илм-маърифат, ҳунар ва яхши ахлоқдан баҳраманд бўлишлари ҳамда қари-яларни доим иззат-ҳурматини жойига қўйиб, улларга раҳм-шафқат назари билан қарашни таъкидлаб, Хурраийи шундай дейди: **Сенга айлай бир насихат, эй ўғил, Сол қулоғинг сенга бўлғай жону дил. Кексаларнинг пандини ёдингга ол. Не деса «хўп» деб тилингни айла бол! Ёшлигинг сарф айла ҳар бир кексага, Ёрдамингни кўрсат, айлан ҳассага! Кексаларни кўрганигда қочмагил. Мард кишилар одатидан кечмагил. Эй йигит, эл бирла бўлсанг яхшидир, Чехранг очиб, шод кулсанг яхшидир. Шундайин йўл тутки, қолма бехунар, Қимда бўлса гар ҳунар ризиқ унар. Яхшиларнинг суҳбатидан торتما бош, Ёки оқиллар юзига отма тош. Мард кишиларга қўшил, мардона бўл, Яхшиликнинг бобида дурдона бўл! Ёшлик айёмида ҳар шир осон, Қариғач кучдан қолиб ахвол ёмон. Хўл шохни қайирмоқ мушкул эмас, Шох қуриб қолғач ёқилғай ҳар нафас. Ёш ниҳолга сув бериб хўп боқишар, Қариғач арра солиб сўнг ёқишар. Ёшлигини бил ганмат бебаҳо, У билан максадга етмоқдир раво. Айна меҳнат пайтидир, хушёр бўл, Барчани ҳурмат қилу бедор бўл. Ўйлама шундай қолурман деб абад, Ёшлик айёмиде бордир чеку ҳад. Этагингни кексалик кўли тутар, Беҳисоб санглар ўша онда отар. Бунда сенга лозим ўлғай ул ҳунар, Ул ҳунар фазли била гамлар ёнар. Сен шунинг-чун дангаса бўлма, ўғил, Файрат айла, бехунар қолма, ўғил. Гар кишига яхши инсон ёр бўлар, Яхши инсон бирла бахтиёр бўлар.**

Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

Экспонатларга айланган асарлар

Ҳозир республикамизда бир неча уй-музейлар фаолият кўрсатмоқда. Бундай томоша залларидан дастлабкисиз бундан 21 йил аввал бунёд этилган эди.

Ҳа, бу ерда гап ўрол Тансиқбоев уй-музейи ҳақида кетмоқда. Машҳур мўйқалам устаси хотирасини абадийлаштириш максадига ана шу хайрли ишга кўл урилган эди.

Шу ўтган давр мубоийатида у кўнчилиқ учун семимли даргоҳга айланб қолди. Унга қўйилган экспонатлар сони ортиб, улларда атоқли рассом фаолиятининг кўп қиррали томонлари ўз аксини топди.

Рассом яшаган уйда жойлашган музейда бўлган киши санъаткорнинг энг яхши ижод намуналарини билан ҳам танишади. Қираверишда «Чорвоқ 1973

йилда» деган йирқи полотно яққол кўзга ташланиб турибди. «Тог қишлоғи. Қўшом», «Жонажон ўлка» каби картиналар репродукциялари музей деворларига осиб қўйилган. Умуман, рассом ижодий фаолияти давомида 2 мингдан ортиқ асар яратган.

Уй-музей ҳодимлари тайёрлаган архив материаллари альбомлари сони ўнтадан ошди. Бу ерга жамланган турли материаллар, фотосуратлар ва ҳужжатлар сони 2600 тадан ортади. Улар машҳур рассом ҳаёт йўли кўп воқеаларга бой бўлганлигини далolat бериб турибди.

Йигирма йиллик сана муносабати билан уй-музейда «Унутилмас сиймо» тенди ташкил топди.

Азиз АХМЕДОВ

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

ЭЗГУЛИК ТАНТАНАСИ

Янги йил арафасида «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналининг тўртинчи — 2001 йилдаги якунловчи сони ўқувчиларга тақдим этилди. У XXI аср вабоси, деб номланаётган халқаро терроризмга қарши курашга бағишланган.



Бош муҳаррир З. Мунавваровнинг «Замоннинг ўзи — буюк муаллим» мақоласида халқаро хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, терроризмга қарши курашдаги ўзбекистоннинг ўрни ҳақида сўз боради.

«Абадий барҳаёт китоб» рукиндаги «Андижон Курбони» номли мақолада андижонлик Мир Сайид Икромнинг авлодлари хатида хабар қилинган Курбони қариининг йўқолган салкам Х асрлик нусхаси тўғрисида ҳикоя қилинган.

«Муҳаддислар сўлтони» рукиндаги ҳиндистонлик олим аш-Шайх Абдуссалом ал-Муборакфурийнинг «Сийрат ал-Имом ал-Бухорий» («Имом Бухорий сийрати») номли китоби таржимасида Абу Абдуллоҳнинг ҳаёти билан боғлиқ тарихий хикоятлар келтирилган.

«Бизнинг мулоқот» рукиндаги «Тараққиёт қушандиси» деб номланган суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жаҳият қурилиш академияси ректори, профессор Алишер Азизхўжаевнинг халқаро терроризм ҳақидаги мулоҳазалари, унга қарши курашда дунё ҳамжамияти тулида турган вазифалар атрофида баён этилган.

«Терроризм — XXI аср вабоси» рукида сийсий фанлар доктори, профессор Рустам Жамаевнинг «Янги синовлар олдига», Абдулазиз Мансурнинг «Қурьон ва Суннат қўпо-ручилиқ ва тажовузкорликка қарши», Исмоил ҳожи ўғли ҳожи Омонуллоҳнинг «Аллоҳ тажовузкорларни севмайди»,

тарих фанлари номзоди, доцент Дифуза Ҳабибуллаеванинг «Ўзбекистон — халқаро терроризмга қарши» мақола-ларига, Россия табиий фанлар ҳамда БМТ ҳузуридаги Интернационал Ҳимоя Халқаро академияларнинг академиги Валерия Порохова билан «Айиб Қурьонда эмас» номли суҳбат берилган. «Терроризм: итдао ва ҳақиқат» номли қўлланмадан олинган лавахта ушбу руқнага яқун ясаган.

«Умиддан умидларимиз катта...», шоира Хосият Бобоевнинг «Биз энди эзилган халқ эмасмиз», Абду-каҳҳор Иброҳимовнинг «Пар-гарнинг таянч нуқтаси» мақола-ларида ўзгичмизни англашга ва ёшларимизни ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб етишиши учун мустақиллик тўғрисида яратилган имкониятлар — истиқлол неъматлари ҳусусида сўз боради.

Марҳума шарқшунос оlima Анзират Рауфованинг «Шайхонтохур мақбрасидаги муҳим қабртош», Нурёғди Мўмин таржимасидаги Аллоҳдин Атомалик Жувайининг «Тарихи Жаҳоншўна» асаридеги хабарлар ва лавахларда асл маълумотлар тарихий ҳикоятнинг безавол саҳифалари ёритилган.

Тарих фанлари номзоди Қувониқдин Мунировнинг «Алишер Навоийнинг табар-рук назари тушган қўлемлар» ва филология фанлари доктори, профессор Анвар Ходжаевнинг «...Иш эмас душманлиги» мақола-лари ҳазрат Алишер Навоий та-валлудининг 560 йиллигига бағишланган. Филология фанлари номзоди, доцент Солижон Қурбоннинг «За-монасининг фозил фарзан-ди», филология фанлари док-

тори, профессор Фатҳиддин Исҳоқовнинг «Бобур тил ҳақида» мақолаларида Носир Бухорий ва Заҳридин Му-хаммад Бобур каби моваро-уннахрлик буюк аломалар-нинг ибратли ҳаёти, ноёб ис-теълоди ва ўлмаас мероси ҳақида ҳикоя қилинади.

Неъмат Жабборовнинг «Та-риқат — халққа хизмат қилиш-мақоласида Абдулҳаким Шарий Жужоновиининг «Та-сарвуф ва инсон» китобига тақриз берилган.

Журнал ичидеги «Имом ал-Бухорий авлодлари» ёшлар журналида фалсафа фанлари номзоди Зухриддин Хуснид-диннинг «Дин ва диний эк-стремизм: гоа ва манфаатлар қурашти» Уйғун Рафуровнинг «Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти», юридик фанлари доктори, профессор Ҳожимурод Одиқориевнинг «Диннинг давлатдан ажратилганлиги нимани англатади?», Лутфул-ло Бўроновнинг «Маъҳадим, сенга зур иқбол тилайман» шеъри, Комилжон Солиев-нинг «Тавлим ул-муताалим» — «Илм олиш таълими», Шохида Бобожонованинг «Бобур инсон ва инсонийлик ҳақида», Хилола Йўлдошеванинг «Кутб нима? Ақтоблар қимлар?», Маъфура Мухамедованинг «Ёшлар билан суҳбат» мақола-лари берилган. «Терроризм-ни қоралаймиз!» ва «Тер-рорчилик — инсоният душма-лари» номли мақолаларда ке-лажагини соҳибларининг террорчиликка қарши фирк-мулоҳазалари баён этилган.

Журнал якунида жағмариа томонидан нашр этилган «За-монанинг уламолари», «Маҳал-ла одоби», «Сўфи Олловер илоҳиёт» номли китоблар ҳақида қисқача маълумот бе-рилган.

Шарқ дурдоналари



БАХТИНГ КЎҚДАН ЎЗИБ КЕТСА-ДА

Ўрта мактабнинг еттинчи синфида ўқиб юрган пайтим эди. Кўчанинг энг юқорисиде, тоғ томонида Абил ис-мил уттилардан ошиб қолган йигит кекса онаси билан турарди. Улар ўта камбағал эдилар. Она тоғдан-туғганини йиғиб, Абилни уйлантириб қўйди. Абилнинг аниқ касби бўлмагани учун дуч келган ишни қилиб юрарди.

Жаҳонда ҳор бўлар касби йўқ киши, Кайғуга ёр бўлар касби йўқ киши. Емоғу ичмоғу қийинмоқда ҳам, Узгага зор бўлар касби йўқ киши. Бир куни маҳаллага гап тарқалди. Абил ўз онасини дўппослаб урган эмши. Бу гап тез-тез қулоққа қалинади-ган бўлиб қолди. Аёллар ўзаро сўзлашиб: «Абил ўлгур хо-тинининг гапига кириб, онасини урибди», дер эдилар.

Онани ҳор қилган ҳор бўлар охир, Ёруғ олам унга тор бўлар охир. Фақат ушбу олам ичиде дема, Охират онда зор бўлар охир.

Бу воқеа менга қаттиқ таъсир қилган эди. Фарзанд қан-дай қилиб ўз онасини уриши мумкинлигини ақлимга сиг-дирилмас эдим. Бундан ташқари, Абилнинг онаси менинг халоскорим эди. Бунинг тарихи шуки, олти ёшга тулган-нимда кўз қорачўғимни «оқ» босиб қолган эди. Бу иллат-ни араб тилида «баёз» (оқлик), форс тилида «гул», ўзбек-чада «оқ» дейилади. Олди олимаса, кўзда абадий қолиб кетиши ҳам мумкин. Кейинчалик тиббий асарлар билан танишганимда бу иллатнинг давоси кўп эканини кўрдим. Масалан, Шаҳобуддин ибн Абдулқарим «Шифо ул-мараз» («Касалликлар давоси») номли асариде ёзади:

Одамлар кўзига туша агар оқ, Ҳакимлар «баёз» деб аталар ҳар чок... Иллат юз бердим кишилар даво, Кеч тортса, даволаш қийиндир аммо. Юмшоғу хом зира сувидан мудоим, Кўз ичра суртилса, тузалар тамом.

Ўша пайтда ўша яшайдиган қариндошимиз Зоҳида опа меҳмон бўлиб келиб қолди. Кўзимдаги оқни кўриб, ойма-изга:

— Бун даволатиш керак! — деди. — Кўча бошида иримчи аёл бор, ўшанга олиб бориб, қўрсатиб келинг, — дедилар ойма. Сўнг у-бу нарсалардан солиб, тугун қилиб бердилар. Уч метрлик оқ сурп ҳам қўшиб қўйдилар. Зоҳида опа мени етаклаб, Абилнинг она-си ҳузурига олиб борди. Кампир кўлимга бир пайёла сув берди, ўтказиб, бошимга Зоҳида опа олиб келган сурни ёнди. Мен сувга тикилиб ўтиравердим. Қанча ўтирганим-ни билмайман. Кампир бошимдан сурни олди ва ел-камга қоқиб:

— Ана, энди тузалиб қоласиз, — деди.

Ростдан ҳам уч-тўрт кундан сўнг кўзимдаги оқ йўқолиб кетди.

«Абил онасини урибди», деган гапни эшитганимда из-тиробим ҳаддан ошиб кетган эди, нима қилишни бил-мас эдим. Охирги тўман газетасига мақола ёзмақчи бўлдим. Мақола шеърига айланиб кетди. Мухаммад ёзим, унга бироз сўзбоши ёзиб, конвертга солдим. Бироқ юри-ришга кўп иккиландим. Таниш-билишларга, ака-укаларимга ўқиб ҳам бердим, натижада шер менга тўрлик ёд бўлиб қолган эди. Кимдир юбор, кимдир бўлма, деди. Ўша муҳаммадининг бош қисми ҳозиргача эсимдан чиққан эмас. У шундай бошлардир:

Онабозори Абил ҳар кун қизик атовор этар, Онасини устига тинмайди «рафтор» этар, Бўлмағур гаплар билан кўнглига озор этар, Хотинига юзни ёзу онасига қор этар, Муштилар бечора она юрагини тор этар. Охирги шеъри адабиёт ўқитувчиси, мени шеър ёзиш-га илҳомлантириб, мактаб деворини газетасига шеърларим-ни чиқариб турадиган Назиржон домла Маматқуловга кўрсатдим.

— Жуда чиройли ёзисиз, — деди ўқитувчим, — бироқ бу ишга маҳалла оқоқоллари аралашадиган бўлди, ҳозирча уни юрмойя туринг.

Оқоқоллар аралашувидан сўнг воқеа бироз тинчган-дек бўлди. Кўп ўтмай, Абилнинг онаси вафот этди. Абил-нинг ўзи эса бошқа жойга кўчиб кетди.

Гарчи бахтинг кўздан ўзиб кетажак, Онанинг ноласи бўлса кетажак. Онани оғритсанг тинч хонадонинг Арининг инидек тузиб кетажак.

ТУТИЛИШ СИРИ

Катта акам Абдулҳай Маҳсумни, акажон биродарларим Фатхулла Маҳсум ва Ўсуббек акаларни Тошкентга, ундан Туркистонга, Аҳмад Ясавий ҳазратларининг зияратлари-га, сўнг Самарқандга олиб бориб, томоша қилдириб ке-лишга аҳд қилдим.

Соғлиқ керак бўлса саёҳат қилгин, Оламни кўргин-у фароғат қилгин. Сайёҳ соғланади, дедилар Расул, Йўлга чик, вужудинг саломат қилгин.

Андижонга келиб, салометга ўтирадиган бўлдик. Ходим-лар юқларимизни текшириб, ўларимизни темир ашик-дан ўткази бошлади. Учтамиз соғ-омон ўтиб олдик. Бироқ Фатхулла Маҳсум тутилиб қолди. Темир ашиқ жиринглаб, унда нимадир борлигидан хабар беради.

— Ёнингизда темир металл борми? — деб сўради аэро-порт ходими.

Фатхулла Маҳсум чўнтагига қўл солиб, бир неча қалит-ларни чиқарди. Ходим қалитларни четга олиб қўйди.

— Яна қайта ўтинг, — деди ходим.

— Яна нимагинг бор? — деди ходим.

Фатхулла Маҳсум қостюмининг чўнтағидан қичкина пи-чоқчани чиқарди. Хуллас, у эшиқдан беш марта ўтди ва бешинчи мартада ҳам эшиқ жиринглайверди. Одамлар йиғилиб қолди.

— Яширманг, нимангиз бор? — деб сўради ходим.

— Қалит ва пичоқчандан бошқа ҳеч нарса йўқ, ишонма-сангиз текшириб кўринг, — деди Маҳсум.

Ходим Маҳсумни яна тинтув қилиб кўрди ва ҳеч нарса топмади.

— Касбингиз нима? — деб сўради ходим.

— Умр бўйи жамоа хўжалигиде механик бўлиб ишла-ганман, — деди Маҳсум.

— Боринг, ўтаверинг, — деди ходим унга, — баданин-гиз темирга айланиб кетган экан!

Бу гап кейинчалик бутун қишлоққа тарқаб кетди. Унинг Сийпапатма Маҳсум, Чекобод Маҳсум, Пот-пот Маҳсум де-ган лақаблири қаторига «Темир Маҳсум» деган лақаб ҳам қўшилди.

Маҳмуд ХАСАНИЙ

ТАЪЛИМ

Ғолиб ўқувчилар

Россия Федерацияси ҳукумат комиссиясининг моддий ва ташкилий кўма-ғи билан Омск шаҳрида ўтказилган халқаро олим-пиададаги ёш физик ва ма-тематиклар беллашувида Ўзбекистондан борган иқтидорли ўқувчилар ҳам физика ва математикадан олган билимларини яхши намойиш этиб, таҳсинга са-завор бўлдилар.

Ўзбекистондан олимпиа-дада катнашган 23 ўқувчи-дан 12 нафари мукофот со-ҳиблари бўлишди. Тош-кентдаги 42-мактаб ўқувчи-си Антон Якушин билан 50-мактаб толиби илми Алек-сандар Пак биринчи дара-жали дипломни қўлга ки-риздилар. Шу 50-мактаб-дан яна уч нафар ўқувчи олимпиада қолиби бўлди.

Ғолиб ўқувчилар Омск Давлат университетиға ўқушга кириш истагини билдирсалар, бу ғолиб ўқувчиларга физика ва ма-тематикадан «аъло» баҳо қўйиладиган бўлди.

Акбар АЛИЕВ



Сени ўзи ким хафа қилди?..

КАТРА

Боғбон қалби

Кўча эшиги тақиллади. Райим ичкаридан унинг бир табақасини очган эди, қаршида ранги тоза қизғин, соддагина боғбон йиғит кўчани ушлаганча кулимсираб турарди.

—Айтганингизни топиб келдим. Уриқнинг яхши хилдан,—деди у.— Иложи бўлса илдизларига ёпишган наммухш тупроғи билан тезроқ экиб қўйсангиз.

Боғбон айтгандек экилган ўрик илдизлари ётсирамай тупроққа илашди. Ўсиб буй чўзи. Кераксиз тиканили шохлари буталмай йилларни ўтказди. Соҳибнинг меҳр кўлини тутмаганидан диққинафас бўлиб кетди у.

Бир кун Райим дарактни кўрса, ҳамон ҳосилсиз. Танасида кўлаб бигиздек-бигиздек тиканлар.

— Ҳосилднинг қачон кўраман? Боғбон довлар эканми, ўрик ўрнига тиканли дарактни келтириб берди-ми, дейман.

Қани энди Райим тиканларнинг ўқталлишидан аслида ўрикми, йўл-йўриқ, меҳр кўрмай ёввойиллашди, демоқчилигини сезса.

Фани АБДУЛЛАЕВ

Фозил, умрибоқий кишиларнинг таърифи қараганда, анорнинг ичиди қанча ширали дурдона бўлса, шунча хасталикка даволик қилади. Анор эса хар қандай дастурхонга ўзгача кўрк бағишлайдиган сочма ёқутдек қирмизи, пуширанг, оқдона анорлар ўзининг татимлиги, хушхўрлиги билангина эмас, дардларга малҳамлиги билан ҳам кўҳна замонлардан кадрлиниб келади. Жумладан, анорнинг шифобахш хосиятлари қадимий Румо ва Юнон табобатчилигида нордон таъмили анор безгак хуружга таскин берувчи, меъда яллиғлинишида нордон анор ниҳоятда нафли хисобланар эди.

Тиб билимларининг султони Абу Али ибн Сино анор хосиятлари устида тўхталиб шундай дейди.

...Нордон анор ва хусусан унинг шароби сафрони босади ва чикиндиларнинг ички аъзоларга оқшишни тўхтатади. Унинг пўсти, айниқса куйдирилгани жароҳатлар учун доридир...Анорнинг уруғи асал билан бирга тиш оғриғи ва қулоқ оғриғига фойда қилади ҳамда у бурун ичига суртиладиган доридир...Ширин ва аччиқ анорнинг сиқиб олинган сувини асал билан қўшиб бир неча кун офтобга қўйилса, кўздаги ҳароратга ва кундузи кўрмай қолишда фойда қилади... Анорнинг ҳамма турлари хафақонга фойда қилади... Анорнинг нордони ширинига қараганда сийдикни кўпроқ юриштиради.

Буюк ҳаким анорни булардан тақари яна бир қатор хасталиклар давоси сифатида таъкидлаб ўтади. Жумладан, у анор пўстини қон тупурганда, милдан қон оққанида фойдаси борлигини, анор пўстидан тайёрланган қайнатмини ич ўтишига даволигини кўрсатади, гижжаларни ҳайдаш хусусиятига эга эканлигини эслатиб ўтади.

Хиндистон элида яшаган таниқли табиблар авлодидан бўлган Муҳаммад-Ҳусайн ибни Муҳаммад ал—Оқилий ўзи-

нинг «Маҳзан-ул-адвия» китобида анорнинг яна бир қанча шифобахш хусусиятларини санаб ўтади. Жумладан, анор айтарли озикали қуввати кўп бўлмасда, ижобий моддаларни яратди, тазолайди, тикилмаларни очади, ички латифлаштиради, сийдик ҳайдайди. Овқатлинидан сўнг анорни иссиқ миқозли кишилар эстемол этсалар, овқатни осон ҳазм этиради, меъдадан ичак томон йўналишини тезлатади.

Анор иссиқлинидан келиб чиқадиган

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР ЁМБИ ЭМАС, АНОР БУ!

ган кўкрак оғриғи, изтиробли, қийнайдиган йўталга тиним бағишлайди, талоқ касалликлари, юракнинг бежо уришида ижобий таъсир қилади. Овқатнинг осон ҳазм бўлишига ёрдам беради, қичима азобидан холи қилишда, кишининг юзини тиник бўлишига ижобий таъсир қилади.

Халқ табобати амалиётида анор пўстлоғи, меваси, мева пўсти, шунингдек, гули истиско (водянка), кўтир, йўтал, ич буруғ, сариқ касалликларига даво сифатида қўлланади. Анорнинг шарбати зангида (лашва, цинга) касалликларига даво бўлади, киши иштаҳасини очади.

С.С.Саҳобидиновнинг берган маълумотларига қараганда, Мирмуҳаммад табиб ёввойи ҳолда ўсувчи анорнинг илдизини кукунлаштириб сабур (алюйни куритилган шарбати) билан аралаштириб кучли лат ейишда, суяклар синганида оғриқдан фориғ этувчи омил сифатида қўлланган. Анорнинг ўзи қон тазолашда ҳамда меъда фаолиятини мустаҳкамловчи восита сифатида тавсия қилинади.

Абдуқодир Ҳожи исми кишининг берган маълумотларига қараганда, анор пўстлоқларининг қули сариеф ёки мол

ёғи билан яхшилаб аралаштириб сурти-

тилади, теридаги йирингли ярачаларни тазолашга ёрдам беради.

Халқ табобатидан хабардор кишилар анор мевасидан шифобахш қўемлар тайёрлашади. Бунинг учун анорнинг этилиб пишиган мевасидан 4 килограмм олиб, унга 2 килограмм шакар ва ярим пиёлачада райхон гули қўшиб қиём ҳолига келгунча қайнатилади. Тайёрланган қиём кишига қувват бағишлайди, тетиклаштиради, иштаҳасини очади. Ана шундай анор қиёмидан айни салқин, совуқ кунларда ичакнинг истемол этиб туриладиган бўлса, бундай кишиларнинг аъзои раисалар қувватли бўлиб, шомоллаш билан боғлиқ бўлган касалликларга нисбатан бардошли бўлади.

Маълумотларга қараганда, анор, олма, беҳи, лимон, отқулоқ, ошқовоқ, нилуфар ва кашинчи тенг миқдорда аралаштириб қайнатилиб, унинг қуюқ шарбатига асал қўшиб эстемол қилинса сафоро қуши, қўнғил бехузур бўлиш ва тинка қуришидан қутулиш мумкин.

А.А.Алтимишевнинг берган маълумотларига қараганда, анор гуллари базиллатма (припарка) сифатида фойдаланилса, иллатли яллиғлиларнинг сўрилиб кетишига ёрдам беради.

Анорнинг бунчалик хосиятларини унинг таркибидида мавжуд бўлган шифобахш моддалар ҳазинаси билан тушунирилиши мумкин. Чунончи, анорнинг мевасида 21 фойзага қанд моддаси (фруктоза, глюкоза, сахароза), дармондор витаминлар (14 миллиграмм фойз витамин С, фолат аччи ва бошқалар), органик кислоталар маъмуру бор.

Анор пўстлоғида ошловчи қатрон, бўёқ моддалари, хурушлаштирувчи ва бошқа моддалар жам бўлган.

Хуллас, кўрмак, табиятининг марҳаматларидан ўз ўрнида тадбиркорлик билан фойдаланишимиз лозим.

Манон НАБИЕВ, доришунос олим.

Бирданига олтира фарзанд

Денвер шаҳрининг етакчи ҳисобчиси Эдна Станек бирданига 6 та фарзанди бўлди. Уларнинг тўрттаси ўғил, 2 таси қиздир. Улар муддатидан 6 ҳафта аввал туғилишига қарамай барча эгизаклар соғлиги жуда яхшидир.

Шуни айтиш кераки, «Британика» қомусига қирган 12 та 6 тадан фарзанд кўрган аёлларнинг денверли Эдна Станекдан бошқа ҳаммасининг фарзандлари 1-2 йил умр кўриб, ёруғ дунёдан қўз қомилган.

Эдна хоним дунёда ягона 6 та фарзанд кўрган энг бахтли аёл ҳисобланади.

Ўхшаш эгизаклар...

Швециядаги эгизакнинг бири Рожер, иккинчиси Вимар бўлиб, улар дунёда энг ўхшаш эгизаклар бўлиши, гоҳида онаси ҳам адашиб кетади.

Физик олимлар икки эгизак доимо бир-бири билан телепатик — ички хабар бериб алоқа қилиб (узқонд) туршларини илмий асосда қузатув олиб бориб аниқлашган.

Кизиғи шундаки, математика (алгебра), геометрия, физика, кимё фанларидан ечган мураккаб масала, мисолларни узоқ масофадан Рожер кўринмас хабарлари орқали Вимарга етказиб берган. Оғир ҳолатда қолганда эгизаклар махфий бир-бирларига ёрдам бера олишган. Бошқа-бошқа шаҳарда истикомат қилаётган Вимар қандай касал бўлса, Рожер ҳам шундай касални бошидан кечирган. Чунончи, Рожер кўричак билан оғривса, ўша онда Вимар ҳам кўричак билан оғриб, иккаласи бир дақиқада операция қилиниб, бир вақтнинг ўзиде тазолашган.

Манон НАБИЕВ, доришунос олим.

Бужиб дунё

Бирданига олтира фарзанд

Денвер шаҳрининг етакчи ҳисобчиси Эдна Станек бирданига 6 та фарзанди бўлди. Уларнинг тўрттаси ўғил, 2 таси қиздир. Улар муддатидан 6 ҳафта аввал туғилишига қарамай барча эгизаклар соғлиги жуда яхшидир.

Шуни айтиш кераки, «Британика» қомусига қирган 12 та 6 тадан фарзанд кўрган аёлларнинг денверли Эдна Станекдан бошқа ҳаммасининг фарзандлари 1-2 йил умр кўриб, ёруғ дунёдан қўз қомилган.

Эдна хоним дунёда ягона 6 та фарзанд кўрган энг бахтли аёл ҳисобланади.

Ўхшаш эгизаклар...

Швециядаги эгизакнинг бири Рожер, иккинчиси Вимар бўлиб, улар дунёда энг ўхшаш эгизаклар бўлиши, гоҳида онаси ҳам адашиб кетади.

Физик олимлар икки эгизак доимо бир-бири билан телепатик — ички хабар бериб алоқа қилиб (узқонд) туршларини илмий асосда қузатув олиб бориб аниқлашган.

Кизиғи шундаки, математика (алгебра), геометрия, физика, кимё фанларидан ечган мураккаб масала, мисолларни узоқ масофадан Рожер кўринмас хабарлари орқали Вимарга етказиб берган. Оғир ҳолатда қолганда эгизаклар махфий бир-бирларига ёрдам бера олишган. Бошқа-бошқа шаҳарда истикомат қилаётган Вимар қандай касал бўлса, Рожер ҳам шундай касални бошидан кечирган. Чунончи, Рожер кўричак билан оғривса, ўша онда Вимар ҳам кўричак билан оғриб, иккаласи бир дақиқада операция қилиниб, бир вақтнинг ўзиде тазолашган.

Уларнинг севгили

Норвегияда икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаш эгизаклар Алиса деган барно, гўзал, доно ҳисобчи қизни севиб қолишди. Уларнинг бири шифокор-жарроҳ, иккинчиси ишбилармон. Кизиғи шундаки иккала эгизакни қиз ҳам севиб қолган. Улар севиғи ота-шарифида тиз чўкишган. Алисанинг онаси бундан хабар топиб, қизини узоқ қишлоққа, холисаникига жўнатиб юборди. Алиса қалбдан иккинчиси ҳам севиб қолган, аммо у биттаси билан турмуш қуриши мумкин. Бунга бош сабаб эгизаклар қалбларининг жисмонан, энг муҳими, руҳан яқинлиғидир.

Дарове, эгизакларнинг қалби, фикри бирлиги, телепатик — ички хабар натижаси, фикран, ақдан бирлиги сабаб эканлигини ҳам унутмаслик керак.

Тириқлайин кўмилган келинчак

1810 йили Францияда жуда қизик воқеа бўлибди. Унинг қаҳрамони ўта машҳур, ҳам жуда бой одамнинг қизи Викторина Лофурдох. У ёш адабиётчи, кашоқ Жюльен Боссюга ошқ экан. Бириси жуда бой, иккинчисининг тинчаси қуриган камбағаллиги икки ёшнинг жуфтлашишига халақит берибди. Отаси қизини дипломат Реньелга турмушга чиқаради. Бирок тўй ўтган, орадан бир қанча вақт ўтмасидан, улар бир-биридан совуқ кетишати. Хуллас, келинчак вафот этади. Уни қабристонга олиб бормасдан, унингнинг ёнидаги бог ичига дафн этишати.

Чин дилдан севган ошқ йиғит севгилисининг вафот этганини эшитиб, қабрини излаб топиб, соҳидан кесиб олиб, мангу саклашга аҳду паймон қилади. Кечаси қабрини очиб, севганининг сочини силанган пайтда, келинчак ўйғониб кетади. Йиғит чўймайди. Чунки севгани литергик уйкуга дучор бўлган эди-да! Дори-дармон, ҳеч нарса уни тириктира олмаган. Уни ошгининг даволи қўли мангулик уйкудан ўйғотибди. Жюльен ошгини ўзи яшайдиган қулбасига олиб келади. Табобатдан хабардор бўлгани учун дўхтирларга мурожаат қилишдан қўрқиб, Викторинани ўзи даволайди. Келинчак ас-хушига келиб, кейин соғайиб кетибди. Иккиси эр-хотин бўлишди ва биров билмасдан, деб бир кечада Американига қўйиб қўйишди. Ранг туслари ўзгариб, бегоналар уларни танимайдиган даражага етган, 20 йилдан сўнг, Францияга қайтиб келишати. Бирок, дипломат Реньел аёлини бир кўргандаёқ таниб, оиласига қайтишини талаб қилади. Масала судга бориб тақалганда, одил қозилар уни никоҳлик ҳужужини йўқотган деб, қийинчиликлар билан топширган икки ёшнинг бахтига ҳужмини ҳал қилишди.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ ва Қидирбой ТУЛБОНОВ тайёрлашган

Оиламиз билан дам олиш уйда хордик чиқараётган эдик. Енма-ён хонага жойлашган ўрта ёшлардаги киши билан танишиб қолдик. Орадан уч-тўрт кун ўтиб, Карим ака билан эски кадрдонлардек бўлиб кетдик.

Еттинчи кун эрта тонгдан эркакларнинг «ини бузилди». Эрларидеги бу ўзгаришдан аёллар безовта. Осмондан тушгандек бир «паризод»нинг оромгоҳда пайдо бўлиши тинчликни бузди. Эркаклар орасида шивир-шивир: — Бунақасини биринчи кўришим. — Бай-бай, ана қомат, ана малюҳат. — Бир қошқ сув билан ичиб юборсангиз... Хотинлар орасида висир-висир. — Таннос бўлмай ўл. — Каердан пайдо бўлди бу «силамажон». — Эркакларни «жинни» қилади, жувон ўлгур.

35 ёшлар чамасидаги бу аёл дарҳақиқат гўзал ва дилбар эди. Унинг виқор билан юришию бир гапириб ўн қулиши ҳар қандай тош юракни эритиб юборарди. Худди шуниси хотинларга ёқмади. Кечки пайт Карим ака билан гурунглашиб ўтирган эдик, олдимиждан ўша «паризод» ўтиб қолди. У Карим акага кўзи тушидоқ, бирдан ўзгариб кетди. Юзидаги майин жилмайиш ўрнини тундлик қоплади. — Чиндан ҳам гўзал-а, — деб қўйди Карим ака. — У бу гапни менга айтдимми ёки ўзича айтдимми, билолмай қолдим.

Қани энди ички дунёси ҳам мана шундай гўзал бўлса, — қўшиб қўйди у бироздан сўнг. Ажабланиб суҳбатдошимга тикилдим. — Мен уни танийман, — деди у. — Очигини айтсам, биз бир мавзедда жойлашган ёнма-ён уйларида турамыз. Агарда қилмишларидан хабардор бўлганларингда... Карим ака яна узоқ жим қолди. — Афсус, унинг бу ерга келишини билмабман-да. Хабар топганимда, қандам босмаган бўлардим. Бир зумда ҳаёлимдан: «Кизиқ, Карим ака бу аёлдан нега бунчалик ранжиган экан», деган ўй кечди.

...Олам гўзаллигига ҳали тўйиб улгурмаган етти ёшли Гулноранинг фалокат тўфайли икки кўзи кўр бўлиб қолди. Дарҳол шш юзасидан узоқ сафарга кетган отага сиз қоқишди. У эртасигаёқ халд-лослаганича уймаги кириб келди. Беҳуш ётган хотин тура солиб, унинг бўйнига осилди. — Бошимизга мусибат тушиб қолди, дадаси. Вой, энди қандоқ қиламиз. — Нима бўлди, тушунтирсанг-чи ахир. — Вой, пешонам курсин. Гулнорангиз газга чой қўяман деб... Вой портламай газ ўлсин. Гуддеккина қизингиздан ажралиб қоладиганга ўхшайман. Энди нима қиламан-а, дадаси.

Ота дарҳол касалхонага югурди, шифокорларга ялиниб ёлворди...

Гулнора кўзини қизалоқлар билан копток ўйнаб кўчадан кеч қайтди. Эшик кўнгиригини узоқ босиб турди. Ха деганда онаси овоз беравермади. «Ойимла яна кетиб қолдибди. Хамиша шунча қилади. Дадам сафарга кетди дегунча мени ёлғиз қолдириб, қаёққадир гоийиб бўлиб, ярим кечада қайтадила. Бу гал ҳам шундай қилибдила, лекин нега қалитни қолдирмадила экан?»

Кизалоқнинг юраги увишди. Узини қандайдир химоясиз, ҳеч кимга кераксиз севди. Кўнгли бўшаб йиғлади. Шу пайт бирдан эшик очилиб, рўпарасида галати ахволда онаси пайдо бўлди.

— Ха, қизгина ўлгур, ҳаммани безовта қилиб, нега йиғлайсан? Кир ичкарига, — захрини сочди она.

Хона тўридаги диванда қўйлагини елкасига омонат ташлаб олган бегона эркак ўтирарди. У Гулнорага еб қўйгудек тикилиб қаради.

— Ошхонага кириб, чойингни ич, кейин айвонга жойингни солиб ёт.

Кизалоқнинг кўзлари мунгли жавдиради. Она қизини эркалаган бўлди.

— Ақли қизсан-ку, ўзинг. Вой тавба, онасига нима бўлди ўзи? Нега уйда бегона киши ўтирибди...

Кизалоқ ижиргани ошхонага кирди. Негадир шу чоқ отасининг сафарга кетиш олдидан уни эркалаб айтган гапини эслади.

— Мен уч кундан кейин қайтаман. Энди катта қиз бўлиб қолдинг. Онанинг уринтирма, сенга чироили атлас қўйлак олиб келаман. Яхшимми?

Қандай ширин дадаси бор-а унинг. Ҳеч қаттиқ гапирмайди, қачон қараса онасининг ҳам, Гулноранинг ҳам кўнглини кўтаргани кўтарган. Анали кишига ўхшамайди, ёв қараш қилмайди.

Шу чоқ қиз гўё дадасининг бағрида ҳис этди ўзини. — Адажон, ўзининг адажоним.

Газ ўчоқнинг қулоғини бураши билан ичкаридан онасининг: «Етдингми, Гулнора?» деган товуши эшитилди. Кейин онаси хиринглади, эркак йўталди. Чироқ ўчди. Гулноранинг ақли оғиб қолди. Нега чироқ ўчди? Нега

онаси бегона эркак билан қоронғуда ўтиради? Газининг ноқуш ҳиди хонага тарқалди. Гулнора лоқайдлик билан чойгунни тўлдириб, газ устига қўйди. Кейин гургуртик чақди. Бирдан қўли портлаш эшитилди. Атрофга олов тарқади. Ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетгандек. Гулнора кўзи аралаш башарасига урилган кучли зарбдан хушини йўқотди...

Шу кундан бошлаб Лобархон касалхонани тарқ этмай қўйди. У гоҳ йиғлайди, гоҳ эрининг бўйнига осилиб ўпкалайди.

— Агар сафарга кетмаганингизда қизим шўрлик бошига бу кўргулик тушмасди. Вой, бу ишларга сабабчи сиз, дадаси, сиз.

Фозилжон икки ўт ўртасида қовурилади. Бошини қай деворга уришни билмайди. Падарига лаънат шу ишини ҳам. Шифокорларга раҳмат, улар бор ҳафтада Гулнорани тилга киргизади. Мудом курашиб ўлимни енгизиши.

Биринчи бор Гулнора онаси енгилганини сезиб, унга томон қўл чўзи. Лобархон қизини бағрига олди. Йиғлай туриб ҳол-ахвол сўради, ширин гапириб тасалли берди, Гулнора уни баттар қўчди. Она бағри қандай иссиқ.

— Айланай, ақли қизимдан, — айланиб-ўргилди она. — Гулнорахон, қизалоғим, битта гап айтсам майли дейсанми? — Айтинг, — деди қизалоқ мажолсиз овозда.

— Ҳозир олдинга адажонинг қирадилар. Тагин уларга ўша кунги воқеани... Уйимизга бегона киши келганини айтмагин, хўпми?

Узини уйкудан уйгонгандек ҳис этган Гулноранинг кўз олди яна туманлашди. Қандайдир чақин орасидан онаси ва етти ёт бегона эркакнинг ўша тунги қиёфаси ўтгандек бўлди. Юзини тескари бурди. Палатага Фозилжон кирди. Қизининг бошини силлади. Гулнора ота қўлини сезиб, унинг қафтини юзини босганича чўқур хўрсинди.

— Адажоним, соғиндим сизни. Фозилжоннинг кўзларидан дув ёш тўкилди. Йўқ. Бор гапни Гулнора айтмади. Мурғак қалб шундоқ ҳам безовта ота кўнглига қайта чўғ ташлашни истамади. Балки онасининг ҳар кунчи телбалардек ёлворичи қор қилгандир унга. Хар қалай ёлғилқ қозон ёпигилгича қолди.

Орадан йиллар ўтди. Гулноранинг ўн ёлғи тўлиши муносабати билан отаси уни табриқлади. Кечқурун уйга қайтирди.

Тўртта меҳмон келишини айтиб, Лобархонга тайёргарлик қўриб қўйишни тайинлади.

Лобархон қизини ранжитгиси келмадими ёки туғилган кунини эътиборга олдим, хар қалай бу сафар бозорга у билан бирга жўнади. Автобусда улар ёнма-ён ўринида қўйиришди. Рўпарада турган хушбичим йиғит бир неча бор шу томонга тикилиб қаради. Лобархон бу қарашдан ўзича: «Онасининг гўзаллигини, кўр қизининг хунуқлигини қара», деган маънони ўқди-ю ичидан зил кетди. Қизини ўзи билан қўчага олиб чиққанига пушаймон бўлди.

Кечқурун меҳмонлар келишди. Улар оила ва Гулноранинг шаънига яхши гапларни айтишди. Она ўзини хар қанча хушчақчақ тутишга уринмасин, бабирин унинг қалбидеги «дард» тез-тез ошқона бўлиб турди.

Ҳамма тарқаб, Гулнора ўз хонасига кириб кетганда, Лобархон эрини исканжага олди.

— Йўқ, — деди у. — Мен бунга қидолмайман. Қизингизни келажакни ўйлаб, юрагим тарс ёрилди дейди. Бўй чўзиб кўзга кўриниб қолди. Ха демай балогатга етади. Ахир уни ким ҳам оллади? Бордию турмуш курси ҳам ўзимга ўхшаган бир бедаво билан туради. Унда менинг ташвишим икки хисса ортади. Одамларнинг: «Кўевинг борми?» деган саволига нима деб жавоб бераман?

Гулнора ичкаридан онасининг сўзларини эшитишда, юраги эзлиб кетди. Онасининг бутун қилмишлари, кесатиқ гапларининг маъносига шу даъда у чўқур тушуниб етди. Эртасига отасидан бувисиниқасга олиб бориб қўйишни сўради. Бу гап Лобархонга ёқиб тушди.

— Буни қаранг, шунча вақтдан бери шу нарса ҳаёлимга келмабди-я. Айтгандек, онангиз қишлоқда бутун бир дангиллама ҳовлида ёлғиз ўзи яшайпти. Қизингизни олиб бориб қўйсангиз, яхши бўлади. Бир-бирларига ҳамроҳ бўлиб яшашади. Балки Гулноранинг тенги ўша жойдан топилиб, бахти очилиб қолар.

Эр титраб кетди. Гулнора биринчи марта онасига қарши гап қотди.

— Менинг оғирлигим сизга тушмасин. Яхшиси ўзингизни ўйланг.

Она лол бўлиб қолди. Бир нарса деб бетгачлар қизни узиб олгиси келдию тилини тийди.

Ота-бола уч кундан кейин қишлоққа жўнаб кетишди. Шу кетганча уйга қайтиб келишмади...

Воқеани эшитиб, кўз ўнгим қоронғулашиб кетди. Карим ака оғир тин олди. Тасавурида Лобархоннинг боғи гўзаллигидан асар ҳам қолмади. «Эсиз ёшлиқ, эсиз зов кетган умр». Хаёлан Гулноранинг қиёфасини жонлантиришга уриниб қўрдим. Кейин мунгли қизалоқ буй-басти билан гавдаланди, кўз ўнгимдан сира нари кетмай қолди. Беихтиёр ҳаёлимдан «Қайтар дунё» деган сўз ўтди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ



Равшан Ҳайдаровга ишонч билдирилди

Миржалол майдонга тушди

Ўзбекистон футболнинг юлдузи, терма жамоасининг сардори Миржалол Қосимовнинг Бирлашган Араб Амирикларидаги «Ал-Шабоб» жамоаси таркибига қабул қилинганидан ишқибозларнинг хабари бор, албатта. Ҳамма батомом соғайиб БААга йўл ол